



Когон туман Ободонлаштириш

бошкармаси

И.Ботиров

2022 йил.

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

#### Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси "Яшил макон" лойихаси асосида экилган дараҳтларни хил қасалликга карши парвариш килиш

№	Маъдумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси "Яшил макон" лойихаси асосида экилган дараҳтларни хил қасалликга карши парвариш килиш
2	Буюртмачи	Когон туман Ободонлаштириш булими
3	Тижорат таклифни тақдим этиш шартлари	Коррупцияга карши талаблар Моддий-техника базаси  (Ишни уз вактида бажариш учун зарурӣ моддий-техника базаси мавжудлиги)  (Ишларнинг уз вактида сифатли бажарилиши учун транспорт воситалар)  Иш тажрибаси (Шу соҳада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари)  (Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатига акс таъсир этмаслиги лозим,  Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати(Кафолат хоти)
4	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Хисоб варак ҳамда юқ хоти
5	Молиялаштириш манбайи	Бюджет маблаглари хисобидан
6	Буюртмачи суммаси	<b>62 000 000</b> сум
7	Конкурс тили	Узбек Рус тилларида
8	Шартнома валютаси	Милилий валюта
9	Танлов таклифини кабул килиш	Таклифлар эълон килинган пайтдан бошлаб
10	Танлов тугрисида маълумот	<a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> да жойлаштирилган

«ТАСДИКЛАНДИ»

Буюргачи номи:



Когон туман Ободонлаштириш

бошкармаси

И.Ботиров

2022 йил.

**Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси "Яшил макон" лойихаси асосида экилган дараҳтларни хил касалликга карши парвариш килиш**

объекти бўйича:

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ  
ИШЛАБ ЧИҚДИ**

**Когон туман Ободонлаштириш булими**

БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

## Когон туман Ободонлаштириш булими

(Буюртмачи ташкилот номи)

Энг яхши тақлифни ТАНЛАШ учун эълон  
қилилди

Объект номи: **Когон туман Ободонлаштириш булими**

**Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси  
"Яшил макон" лойихаси асосида экилган дарахтларни хил касалликга  
карши парвариш килиш**

**62 000 000 сўм. (КҚС билан)**

Ишларни тугаллаш муддати - 10 – календар куни  
Буюртмачи: Когон туман Ободонлаштириш булими

• , Тел (\_\_\_\_)

### **Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

- ◆ Танлаш иштирокчилари қўйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги тақлифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

- ◆ .
- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
  - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## **ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА ТЕХНИК ТОПШИРИК**

### **Когон туман Ободонлаштириш булими**

Танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуидаги бүйича танлаш таклифини этилишини сүраймиз.

**Бажариладиган иш номи** Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси "Яшил макон" лойихаси асосида экилган дараҳтларни хил касалликга карши парвариш килиш

### **Когон туман Ободонлаштириш булими**

Хизмат курсатиш бошлангич нархи - **62 000 000 сўм.** (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 10 календарь кун.

**Буюртмачи: Когон туман Ободонлаштириш булими.**

Таклиф этилган шартлар бүйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизmlар, кичик механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги;

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият конун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рұхсат этилади.

Қуидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рұхсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизmlар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандага нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг Бажариладиган иш хизматларни руйхатини, хусусан, Бажариладиган иш хизматларнинг руйхатини тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмиrlашнинг тугаллашга таъсири мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) маҳсус ахборот портали оркали қуриб чикилади ўтади.

## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	<b>Когон туман Ободонлаштириши булими</b>
2.	Объект номи:	<b>Бухоро вилояти Когон туман Ободонлаштириши бошкармаси "Яшил макон" лойихаси асосида экилган дарахтларни хил касалликга карши парварии килиши</b>
3.	Танлаш тартиб раками:	№
4.	Танлаш тури:	Очиқ танлаш.
5.	Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,
6.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга руҳсат этилади:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> махсус ахборот порталаида эълон килинади.
7.	Танлашда иштирок этишга қўйидаги танлаш иштирокчиларига руҳсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур мутахассисларга молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бирбирига молиявий қарамалиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига руҳсат этилмайди.
8.	Лицензия талаоб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Сертификат Лицензия
9.	Танлаш таклифларини тақдим килиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишнинг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар.
10.	Танлаш хужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
11.	Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати”.
12.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий қисмларини очилишига руҳсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
13.	Буюртмачининг обьект бўйича бошланғич нархи:	ККС билан <b>62 000 000</b> сум.
14.	Буюртмачи томонидан белгиланган бажарилладиган иш муддати	10 календарь кун.
15.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
16.	Бажарилладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30 % аванс (бўнак Охирги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг.
17.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
18.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда

## **Арча унсимон құртига қарши амалға ошириладиган тезкор чора-тадбирлар**

### **Тавсиялар:**

1. Дараҳтларнинг ўсув мавсуми давомида мунтазам фитосанитар, агротехник тадбирларни ўз вақтида үтказиш, суғориш ва минерал үғитлар ҳамда таркибида микро элементлар бўлган Амино плюс, 10 литр сувга 20 гр, Изобион, 10 литр сувга 25 гр, Гровер, 10 литр сувга 20-25 гр, Логопушер 10 литр сувга 20 гр, Биодукс, 10 литр сувга 0,03 гр, Органит-П, 10 литр сувга 100 мл сарф меъерида юқоридаги озуқаларнинг бири билан озиқлантириш;
2. *Биологик кураш чоралари* арча унсимон қурти 10 см новдада 10 донағача бўлганда микробиопрепаратлардан таркибида *Bacillus thuringiensis* 2,0-3,0 л/га, *Beauveria bassiana*, 2,0-3,0 кг/га, Пресстиж плюс, эм.к. 4,0-6,0 л/га сарф-меъёрларда (ҳаво ҳарорати 30<sup>0</sup>С гача бўлганда) қўллаш.
3. *Кимёвий кураш чоралари* арча унсимон қурти 10 см новдада 10 донадан ошганда Би-58 (янги), 40 % эм.к. (1,5-2,0 л/га,) 10 л сувга 15-20 гр, Карбофос, 50 % эм.к., (2,0-3,0 л/га.), 10 л сувга 20-30 гр, Багира 20 % эм.к. (0,3-0,4 л/га), 10 л сувга 3-4 гр, Имитрин, 20 сус.к. (0,3-0,4 л/га), 10 л сувга 3-4 гр, Танрек, 20 % эм.к. (0,2-0,3 л/га), 10 л сувга 3-4 гр Фуфанон, 57 % эм.к., (1,5-2,0 л/га), 10 л сувга 15-20 гр сарф- меъёрда препаратларини пуркаш (Бир мавсумда 2-3 маротаба 10-15 кун оралатиб зааркунданда йўқолгунча) тавсия қилинади.
4. Касаллик аломатлари мавжуд бўлса профилактик ишлов бериш мақсадида Скор, 5 % ли эм.к. 10 литр сувга 5 гр кимёвий препарати билан ишлов бериш;
5. Сиртдан (контакт) таъсир этувчи дориларга ёпишқоқлигини ошириш мақсадиди турли хилдаги (Бренд, Тренд 10 л сувда 5 гр) клейларни қўшиб қўллаш тавсия этилади.

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси  
илмий тадқиқот институти  
лаборатория мудири**

**З.Н.Нафасов**

**Қайрағоч баргхўри** (карагачевий листоед) - Бу қўнғиз сариқ-қўнғир рангда, боши ва олдинги елкасида қора холлари мавжуд. Қанотлари сариқ-қўнғир, хира рангда, қанотлари чеккаси бўйлаб қора чизиқ тортилган. Бундан ташқари ҳар бир қаноти ўртасида қисқа кора чизиқлари бор. Бошининг пасти томони, олд кўкраги, оёқлари ва қорни сариқ-қўнғир рангда. Танасининг узунлиги 6-7 мм. Личинкалари баргларни кемириб дараҳтларини шип-шийдам қилиб қўяди. Бу қўнғиз Ўзбекистонда қайрағоч ўрмонзорларнинг энг хавфли заарунандаси ҳисобланади. В.И.Плотников таъкидлашича, бу зааркунанда қайрағоч баргларини истемол қилишда бошқа заарунандаларга нисбатан жуда фаол хараат қиласди.

Кўнғизлар дараҳт ёриқларида қишлиайди. Бу зааркунанда Чотқол тоғларининг денгиз сатҳидан 1500 м баландлида учраб, апрел ойида қиши уясидан чиқиб аста-секин табиатга тарқалганлиги аниқланган. Кўнғизлар баргларга 40 тадан тўп-тўп қилиб тухим қўяди. Тухумлар тўқ сариқ рангда. Кўнғизлар июнь ойининг икинчи ярмида, июль ойининг биринчи ярмида биринчи авлод тухумларини қўяди. Тухум қўйган қўнғизлар июль ва август охирида пайдо бўлди ва сентябрга бориб қўнғизлар қишлиаш учун дараҳт ёриқларига кириб етади. Бир йилда иккита авлод қўяди. Заарунанданинг бу тури Ўрта Осиёда енг тарқалган.

**Тавсия:** Кимёвий кураш усули сифатида дараҳтларга “Децис” 2,5% эм.к. 0,5-1,0 л/га ёки “Бульдок” 2,5 % эм.к. 0,8 л/га препаратлари қўлланилади. Карбафос 50% эм.к. 0,6-1,0 л/га қўлланилади.